

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ ХУДУДИДА АДИБЛАР ХИЁБОНИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи мустақиллик йилларида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан тобора чирой очиб бормоқда.

Қайд этиш лозимки, 1991 йили Миллий боғ ҳудудида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг муазам ҳайкали барпо этилиб, ўтган давр мобайнида улуг аждодимиз тараннум этган юксак гуманистик ғояларга ҳамон равишда, аниқ меъморий режа асосида кенг қўламли қурилиш ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ушбу ҳудудда 2007 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор, 2010 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек, 2013 йили Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотираларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилди.

Миллий боғни халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қилаётган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ва сайёҳлар ташриф буюрадиган ҳар томонлама гўзал ва бетакрор масканга айлантириш, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва кенг жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ёзувчилар уюмчаси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида боғнинг умумий кўриниши ва Алишер Навоий ҳайкали билан уйғун равишда Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбл шаклидаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

3. Адиблар хиёбонининг меъморий лойиҳасини ишлаб чиқишда ушбу манзилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси учун замонавий янги бино қуриш назарда тутилсин.

4. Мазкур ҳудудда жойлашган Ўзбекистон маданияти ва санъат кўргазмаси биноси Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси тасарруфига ўтказилсин ва бу ерда доимий равишда китоблар кўргазмалари ва тақдиротлари, турли адабий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган адабий марказ ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Бадий академияси

тегишли ташкилот ва идоралар билан биргаликда миллий адабиётимизнинг улкан намоёндалари:

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов;

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов;

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов;

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаларини барпо этиш бўйича бир ой муддатда ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин.

6. Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ҳамид Олимжон ҳайкалининг;

Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўрнатилган Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуллом ҳайкалининг;

Ўзбекистон давлат санъат музейи ёнидаги хиёбонда ўрнатилган Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ҳайкалининг Адиблар хиёбонига қўчириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамблини барпо этиш бўйича, Ўзбекистон Бадий академияси мазкур қарорнинг 5-бандида кўрсатилган адибларнинг ҳайкаллари яратилиш бўйича буюртмачи этиб, шунингдек, "ТошкентбошлангИИ-ТИ" ДУК лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун бош лойиҳачи этиб белгилансин.

8. Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказсин ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда тасдиқланган лойиҳа ҳамда ушбу қарорнинг 5-бандида кўрсатилган ижодий танлов натижалари асосида Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамблини барпо этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни, шунингдек, молиялаштириш манбаларини белгиланган ҳолда қарор қабул қилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 18 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2017 йил 18 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 14 январида республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2017 йилги иқтисодий дастурнинг устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, тармоқлар ва ҳудудларни янада комплекс ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналари ва минтақаларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган дастурий чоралар ҳар томонлама ва муфассал кўриб чиқилди.

Қайд этиб ўтилдики, қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тизимли амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизими жорий этилиши, шунингдек, республиканинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолият кўрсатиши "Инсон манфаати" ҳар нарсадан улуг" деган эзгу ғоянинг ҳаётга изчил ва самарали жорий этилишини таъминлади.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури тадбирларини фаол амалга ошириш бошланди. Уларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг, биринчи навбатда, давлат бошқаруви тизимини янада ислоҳ қилиш, давлат хизматлари сифатини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тизимини соддалаштириш ва кенгайтириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ва модернизация қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва спорт тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган 100 дан ортиқ кўнун ҳужжатлари қабул қилинди.

Хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилишни янада таъминлаш ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш чора-тадбирлари амалга оширилиши тадбиркорлик фаолияти фаоллаштиришнинг сезиларли даражада ўсишига ва жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 13,6 мингдан ортиқ ёки 2016

йилнинг худди шу давридаги қараганда 64 фоиз кўп янги субъектлари ташкил этилишига кўмаклашди. Кичик бизнес субъектларига 4,6 триллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди, бу 2016 йилнинг биринчи чорагидаги қараганда 1,3 баравар кўпдир.

Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши натижасида мамлакат иқтисодиётига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 9,7 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва кредитлар – 10,5 фоизга ўсди. Йил бошидан буюн 9 та йирик корхона, шунингдек, 4 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Янгидан ташкил этилган "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Хазорасп" эркин иқтисодий зоналари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тармоқлар ва минтақаларнинг экспорт салоҳиятини сафарбар этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар экспортга маҳсулот етказиб беришнинг ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини таъминлади. Йил бошидан буюн илгари ўз маҳсулотини экспорт қилмаган 258 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, товарларнинг 117 та янги турини экспорт қилиш, шунингдек, 28 та янги ташқи сотиш бозори ўзлаштирилди.

Мажлисида Ўзбекистон Респуб-

ликаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Ж. Рамамов, Ф. И. Ибрагимов, Р. С. Азимов, У. У. Розуқов, Т. К. Нарбаевнинг, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва вилоятлар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан 2017 йил 14 январда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳамда жорий йилнинг январь-апрелида Қорақалпоғистон Республикасига, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларига ташрифлари давомида берилган топшириқларни амалга ошириш бўйича ҳисоботлари эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Рамамовнинг, Давлат ҳокимияти қўроғи раиси Б. И. Закировнинг, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти раиси Ф. И. Саломовнинг, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик жамияти раиси Б. К. Зариповнинг, Тошкент вилояти ҳокими Ш. Х. Бобоевнинг эътибори ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тасдиқланган ўртача муддатли дастурларини, шу жумладан, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфраструктурани, қишлоқ жойларда ва шаҳарларда арзон уйлар қуришни жалдлаштиришни сўзсиз таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўришнинг зарурлиги қаратилди.

Давоми 2-бетда.

Хотин-қизлар қўмиталарида

МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига қаратилган саноат-хўжалик қўламини тобора кенгайтириш бўйича буюртмачи этиб, шунингдек, "ТошкентбошлангИИ-ТИ" ДУК лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун бош лойиҳачи этиб белгилансин.

8. Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказсин ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда тасдиқланган лойиҳа ҳамда ушбу қарорнинг 5-бандида кўрсатилган ижодий танлов натижалари асосида Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамблини барпо этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни, шунингдек, молиялаштириш манбаларини белгиланган ҳолда қарор қабул қилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

САЛОМАТЛИК УЧУН САРМОЯЛАР



Юртимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини юксалтириш, аҳолини сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлашда ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН КЎНГИЛЛАР ШОД

Юртимизда нуруний отахон ва онахонларга иззат-икром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, саломатлигини тиклаш, узогини яқин, оғирини енгил қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Эътиром

Президентимизнинг жорий йил 4 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бунинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Айни кунларда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан,

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар-саломлар, жумладан, наватбасиз харид қилинган автомобиллар тантанали равишда топширилмоқда.

Янгийўл ва Чиноз туманларида бўлиб ўтган ана шундай байрамона тадбирларда давлатимиз раҳбари томонидан кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик, хотира ва қадр тушунчалари мазмун-моҳияти ҳақида сўз

юритилди. Тадбир доирасида Янгийўл туманидаги Фарҳод маҳалласида яшовчи Ҳикмат Алиевга "Spark" автомобили лавити тақдим этилди.

– Ёшим тўқсондан ошган бўлса-да, тўй-ҳашам, маърака деганларидек, у ёқ-бу ёққа бориб-келиб турамиз, – дейди Ҳикмат бобо. – Янги машина ана шу сингари ҳаётини эҳтиёжларда қатта қулайлик яратади. Давлатимиз томонидан уни наватбасиз сотиб олишдек имтиёзнинг яратиб берилганидан ғоят миннатдоримиз. Бундай эътибор, ҳурмат ва эҳтиромда яшаш одамга қандайдир тетиклик, куч ва завқ бағишлар экан.

Ҳолмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ИШЛАР ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА БЎЛСИН

Вилоят ҳокимлигида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши фаолияти таҳлили ва истиқболдаги муҳим вазифалар муҳофазасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ҳаракат фаоллари, ҳудудий кенгашлар раислари, ҳамкор ташкилот ва идоралар мутасаддилари иштирок этган йиғилишда вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Баҳодир Аҳмедов бошқарди.

Вилоят ҳокимлигида

Таъкидланганидек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, бу жараёнда нақсон авлод маънавий оламини юксалтириш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва иштирокини кучайтириш,

айниқса, таълим-тарбия соҳасидаги ишлар самарадорлигини тубдан ошириш, бандлик масалаларини ҳал этиш, шунингдек, бугунги глобаллашув шароитида эртанги кунимиз эгаларининг онги ва

тафаккурини ёт ғоя ва оқимлардан ишончли ҳимоялаш, мафкуравий иммунитетини шакллантириш бугуннинг энг долзарб вазифаси саналади.

Бу борада, шубҳасиз, мамлакатимиз ёшларининг энг яқин кўмакчиси ва суянчи сифатида майдонга келган "Қамолот" ЕИХ тузилмаларининг ўрни бекиёс. Ҳаракат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган саноат-хўжалик ўзининг ижобий самараларини бераётди. Бироқ, афсуски, барча жойларда ҳам ҳаракат зиммасига юкланган вазифалар ижросини талаб даражасида, деб бўлмади. Уюлмаган ёшлар билан ишлашда, таълим-тарбия жараёнидаги ислохотларда, бошланғич ташкилотлар фаолиятини тўғри ташкил этишда қатор нуқсон



2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Мажлислар залига биз-роқ вақтлар кирганимиз учун гап гапга улашиб, ўрта ёшлардаги киши билан суҳбатлашиб қолдик.

– Сайёр қабулларда кўтарилган муаммолар, ечимини топган масалаларни эшитиб одам хурсанд бўлиб кетади-ей, – дейди суҳбатдошим юз-кўзи чақнаб. – Ҳозир шу ерга яқин маҳаллада тураман. Бугун аҳоли саломатлиги, экология билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиб беришларини сўраб келдим. Хуллас, айрим хонадонлар махсус чиқинди ташлаш жойи бўла туриб, мактаб ёнини ахлатхонага айлантириб олган.

“Тушунайсизми, масала қаредда?” дегандай бир мuddат тикилиб, яна давом этди.

– Тўғри, одамларга тушунтирдик. Барибир муаммо ҳал бўлмапти-да...

Сайёр қабул бошланди. Жорий йилнинг 14 апрель кунига қадар Президентимизнинг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига иккала туман аҳолисидан 4 минг 660 дан ортиқ мурожаат тушган. Мурожаатларнинг 2 минг 900 дан ортиғи Юқори Чирчиқ тумани аҳолисидан бўлиб, бугунги кунда уларнинг 93,7 фоизи кўриб чиқилган, қолганлари ижрода. Паркент тумани аҳолисидан тушган 1 минг 744 мурожаатнинг 1 минг 603 таси кўриб чиқилган, 141 мурожаат кўриб чиқилиш жараёнида. Мурожаатлар асосан уй-жой, банк-молия, моддий ёрдам, иш ҳақи ва пенсия, судларда ишлар кўрилиши, ободонлаштириш ва коммунал хўжалиги, меҳнат ва бандлик, соғлиқни сақлаш, таълим, электр энергияси, табиий газ таъминоти каби йўналишлар билан боғлиқ. Сайёр қабулда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Марказий банк, Бош прокуратура, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Мудофиа, Молия, Меҳнат, Адлия вазирликлари, давлат қўмиталари раҳбарлари, Тош-

кент вилояти, Юқори Чирчиқ ва Паркент туманлари ҳокимликлари масъул ходимлари мазкур мурожаатларни бевосита муҳокама қилиши алоҳида таъкидланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев сайловолди учрашувларида Тошкент вилояти бошқа соҳалар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида ҳам катта салоҳият ва кенг имкониятларга эга эканини таъкидлаб, келгусида ҳудудда мева-сабзавот маҳсулот-

Кузга бориб яна 1 минг 800 гектарда, 2018 йилда қолган майдонларда тоқ экиш ишлари давом этади. Белгиланган майдонларда тоқзорлар яратилганидан кейин, аниқроғи келгуси йили 9 минг 800 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Тоқзорлар тўлиқ ҳосилга киргандан кейин бу майдонларга 34 минг ишчи керак бўлади. Бу ҳудуд ишсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда катта аҳамиятга

кат Мирзиёев барча даражадаги раҳбарларни халқ қалбига қулоқ солишга, одамларнинг дардини астойдил тинглашга, муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам беришга қатъий даъват этаётгани, бу борада шахсан ўзи ўнча бўлаётгани барчамиз учун дастуриламалдир, – дейди Юқори Чирчиқ тумани ҳокими Усқенбай Атемов.

– Сайёр қабулда Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига тушган мурожаатларнинг асосий

ди, хотиржам бўлдим. Бунинг учун шундай савоб ишлар бошида турган Президентимиздан миннатдорман.

Паркентлик Маҳзуна Абдуминова “Чўлқудуқ” маҳалласидаги 10 сотихлик ташландиқ майдонда маийш хизмат кўрсатиш шохбаси, “Гўзаллик салони” қуриш нияти борлигини айтди.

– Ер ажратиш, кредит олиш масаласида тегишли идораларга кўп мурожаат қилиб, ижобий жавоб ололмаган эдим, – дейди М. Абдуминова. – Мана туман ҳокимлиги ва тижорат банки мутасаддилари ўз тadbиркорлигини бошлашим учун барча зарур шaroитларни яратишга ваъда берди. Ер ажратиш масаласи уч кун ичида ҳал қилинадиган бўлди.

Юқори Чирчиқ тумани “Болта” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Турғунбой Пирматовнинг ўз яшаш манзили яқинидан ўтган серкатор йўлга светофор ўрнатишларини сўраб қилган мурожаати туман ички ишлар идораси мутасаддилари томонидан қаноатлантирилди.

...Кун бўйи давом этган сайёр қабул якунланганда залдан чиқаётган мурожаатчилар юз-кўзида мамнунилик ва кўтаринки кайфият уйғун эди. Камина ҳам шундай кайфиятда ташқарига йўл олар эканман, ҳалиги маҳалла фаолини кўриб қолдим.

– Муаммонинг ҳал бўлди-ми? – деб сўрадим ундан.

– Ҳа, ҳал бўлди, албатта, – тетик жавоб берди у. – Аслида мен айтган нарсани муаммо ҳам деб бўлмайдим. Шу масалани сал жиддийроқ киришиб ўзимиз ҳал қилсак бўларди, ҳатто маҳаллага ҳам айтмай. Ростини, энди шу иш давлат раҳбарига ҳам бориб етганидан ўзим хижолат бўлаялман. Хар биримиз ўз ишмишни ўзимиз, билиб-билиб бажарсак, ҳаммаси ўз ўрнида ривожланиб кетаверади. Очик мулоқотдан шу хулосани олдим.

Иқром АББАЛБОВ,
Ўза мухбири.

МУАММОЛАР ТЕЗКОР
ЎРГАНИЛИБ, ЖОЙИДА
ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

...Шанба – 15 апрель. Беш-ўн дақиқадан кейин Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш нazorат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати масъул ходимлари томонидан Паркент ҳамда Юқори Чирчиқ туманлари аҳолиси учун ташкил этилган сайёр қабул бошланди.

лари ишлаб чиқариш ҳажми кескин кўпайтириш ва уларни экспорт қилиш янада ошириш, чорвачиликни ривожлантириш борасида ҳар бир туман бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилишини айтган эди.

– Худуд аҳолиси мурожаатларини таҳлил қилганимизда, уларнинг кўп қисми меҳнат ва бандлик, ишга жойлаштириш масалаларида иборат экани маълум бўлди, – дейди Паркент тумани ҳокими Ўктам Алимов. – Президентимиз Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашувда Паркентни узумчилик соҳасида намунавий туманга айлантириш тақлифини берган эди. Шу асосда 4 минг 582 гектар ер майдонининг лойиҳаси ишлаб чиқилиб, туман аҳолисига, фермерларга белгиланган тартибда бўлиб берилди. Шу кунларда бу майдонларда иш қизиган. Баҳор ойида 1 минг 50 гектар жойга тоқ экиш ишлари якунланади.

эга. Бугунги сайёр қабулда фуқароларга бу ва бошқа йўналишлардаги ислохотлар ҳақида маълумот бердик, уларни қийнаётган муаммоларини тингладик. Шахсан ўз фаолиятимни, туман мута-сaddи идоралари раҳбарлари фаолиятини танқидий баҳолаб, халқнинг ичига кириб бориш, уларнинг қувончу ташвишлари билан яшаш зарурлигини янада теран англадик.

Паркент туманини жорий йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида 126 лойиҳа ишга туширилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 21 таси саноат, 23 таси хизмат кўрсатиш йўналишлари, қолгани қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга оид лойиҳалардир.

Дарҳақиқат, жамиятда ижтимоий адолат таъмин-ланганда халқнинг бунёдкорлик салоҳияти, яратувчи қаллиққа интилиши ортиб, эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланади. – Президентимиз Шав-

қисми жойида, туман ҳокимлиги доирасида ҳал бўлаётгани бизнинг бу борада ҳали қиладиган ишмииз кўп эканини кўрсатади. Биз, аввало, бу мурожаатларни таҳлил қилган ҳолда, қайси ҳудудда қандай муаммолар кўп учраётганини кўриб чиқдик. Туман раҳбари сифатида жойларда уй-жой, иш ҳақи, бандлик, суд қарорлари ижроси, табиий газ, электр энергияси таъминоти, соғлиқни сақлаш, таълим, банк-молия масалаларига кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини тушундик.

Сайёр қабулда ҳар икки туман аҳолисидан соғлиқни сақлаш масаласига оид 10 га яқин мурожаат бўлди. Уларнинг аксарияти жойида ҳал қилинди, қолганлари қатъий назоратга олинди.

– Паркент тумани Қорақалпоқ қишлоғидан келдим, – дейди 77 ёшли онахон Анзират Маҳмудова. – Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига касаллиқдан азият чекаётганим, даволанадими, моддий имкониятнинг йўқлигини айтиб мурожаат қилган эдим. Мана, кўрдингиз, бугун оқ касаллигим бўйича Тошкент шаҳридаги касалхоналардан бирига йўлланма бериш-

ларни таҳлил қилдилар. Кенгаш қатнашчилари саратон касаллиқларини барвақт аниқлаш ва олдини олишнинг самарали тизимини яратиб, бунинг учун ташхис қўйиш ва даволашнинг янада самарали усулларини жорий этиш, онкология муассасаларининг моддий-техник базасини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган зарур таъсия ва тақлифлар киратдилар.

Абдусамат Йўлдошев,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири.

Тиббиёт

Кейинги йилларда мамлакатда онкологик тиббий ёрдамнинг яхлит тизими яратилган, юқори технологияли асбоб-ускуналар жорий этилаётгани, ушбу касаллик бўйича профессионал кадрлар тайёрлашнинг замонавий мактаби шакллантирилганига қарамай, Ўзбекистонда ўсма касаллигига чалинган кўпайиб бораётгани кузатилаётган. Бу саратон касаллиқларининг олдини олиш чораларини янада такомиллаштириш, аҳолига онкологик ёрдам беришни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

АНИҚ ТАШХИС, САМАРАЛИ МУОЛАЖА

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишнинг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини тўла-тўқис таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Вилоят ўсма касаллиқлар диспансерида ташкил этилган онкологлар кенгашида Президент Қарори-

нинг мақсад ва моҳияти атрофида муҳокама қилинди.

Диспансер шифокорлари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари, шаҳар ва туман онкологлари тadbир давомида Президент Қароридан келиб чиқадиган устувор вазифаларни, 2016 йилда онкогинекологик касаллиқлар ва аҳолига кўрсатилган онкологик хизматнинг аҳолини, ўтган йилда вилоят ўсма касаллиқлар диспансери маслаҳат поликлиникасига тушган мурожаат-

ларни таҳлил қилдилар. Кенгаш қатнашчилари саратон касаллиқларини барвақт аниқлаш ва олдини олишнинг самарали тизимини яратиб, бунинг учун ташхис қўйиш ва даволашнинг янада самарали усулларини жорий этиш, онкология муассасаларининг моддий-техник базасини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган зарур таъсия ва тақлифлар киратдилар.

Абдусамат Йўлдошев,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА
АХБОРОТ

Давархитектқурилиш қўмитаси раиси Б. И. Закировага шаҳарсозликдаги эскирган нормативларни тубдан қайта кўриб чиқишни ва капитал қурилишдаги номуаносибликларни бартараф этишни назарда тутган ҳолда қўмитанинг бутун тизимини тубдан қайта ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туркуми пакетини ишлаб чиқишни тугаллашни тезлаштириш ва тасдиқлаш учун киритиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Мамлакат Президентининг шу йил 12 апрелда пойтахтнинг Чилонзор туманига таширифи давомида аниқланган меъморий қиёфани, йўл-транспорт тизимини ва уй-жой-коммунал инфратизимни яхшилаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари иши самардорлигини ошириш билан боғлиқ камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Энг аввало, хорижий инвестициялар жалб этилган инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқишни таъминлаш, шунингдек, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида йирик стратегик инвестиция лойиҳалари бўйича ишлаб чиқариш объектларини белгиланган муддатларда сўзсиз ишга тушириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. И. Ибрагимовнинг, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси раиси А. С. Султановнинг, “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси раиси Э. Р. Шоисматовнинг ва “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти раиси А. А. Абдуллаевнинг ҳисоботлари эшитилди. Муҳокамалар давомида мамлакат Президентининг Туркменистон, Қозоғистон ва Россия Федерациясига яқиндаги давлат таширифлари давомида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича имзоланган битимлар ва контрактларни ўз вақтида бажаришни таъминлашга доир қўшимча амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Кун тартибдаги масалаларни муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. С. Азимовнинг, молия вазирини Б. А. Хўжаевнинг, иқтисодиёт вазирини Г. К. Саидовнинг, Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари С. С. Ходжаевнинг, шунингдек, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари ҳокимлари З. Ш. Рузиев ва Х. Х. Бозоровнинг ҳисоботлари эшитилди. Улар олдида ҳудудий, молия-бюджет ва соғлиқ режалаштирилиши такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ошириш амалий чора-тадбирларини бажариш, туманлар ва шаҳарларнинг субвенция даражасини пайсатириш ва уларни субвенциядан чиқариш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ҳисобида макроеқтисодий барқарорлиқни ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлашнинг таъминлайдиган кенчиктириб бўлмайдиган комплекс чора-тадбирлар кўриш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тadbиркорликни ривожлантириш бўйича биринчи ўринбосарларининг шахсий масъулияти алоҳида қайд этиб ўтилди. Уларнинг ишлари самарадорлиги аниқ мезонлари бўйича баҳоланади.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А. К. Шараповнинг эътибори туризм соҳасини ривожлантиришнинг яхлит концепциясини изчил амалга ошириш, туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шaroитларни шакллантириш, туризмни ривожлантиришга тўқиллик қилаётган барча тўсиқлар ва ғовларни олиб ташлаш, туризм хизматлари бозорида рақобатни ташкил этишга йўналтирилган дастурий ҳужжатлар лойиҳаларини иш-

лаб чиқишни тезлаштириш зарурлигига қаратилди.

Мажлисида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш ва сафарбар қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқаришни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. У. Розукуловнинг, ташқи савдо вазирини Э. М. Ганиевнинг, Жиззах ва Бухоро вилоятлари ҳокимлари У. Й. Узоқов ва У. Й. Барноевнинг, шунингдек, вазирлиқлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг иши натижадорлиги батафсил таҳлил қилинди.

Маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришни таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар учун “Ўзбеккозиковкатхолдинг” компанияси раиси О. Б. Рустамовга, “Ўзагротехсаноатхолдинг” компанияси раиси Н. С. Отажоновга, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга иختисослашган Олтинқўл (Каримов), Булоқбоши (Махсудов), Қўргонтепа (Эргашев), Хўжаобод (Исмаилов), Бухоро (Зонов), Вобкент (Жаводов), Бахмал (Сафаров), Сарисоё (Жўраев), Сирдарё (Назаров) ва Кува (Раҳмонов) туманлари ҳокимларига шахсий баҳо берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. У. Розукуловга, ташқи савдо вазирини Э. М. Ганиевга, “Ўзбеккозиковкатхолдинг” компанияси раиси О. Б. Рустамовга, “Ўзагротехсаноат” компанияси раиси Ж. А. Холмухамедовга, барча даражалардаги ҳокимлиқларга логистиканинг замонавий тизимини ривожлантиришни жадаллаштириш, янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини, шу жумладан, Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ўтказилиши давомида тузилган шартномалар доирасида экспортга етказиб беришнинг қафолатланган ҳажмларини таъминлаш юзасидан тизимий чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Қ. Нарбаева, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси Ш. С. Жавлонов ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари, олдида оилаларда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида уларни ҳар хил ҳалокатли таҳдидлардан, ёт диний ва экстремистик таъсирлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, хотин-қизларнинг, шу жумладан, тadbиркорлик соҳасида оқилона машғул бўлишини таъминлаш мақсадида маънавий-ахлоқий ва тарғибот ишларини қулайтириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисида 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини ҳамда тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг тасдиқланган мақсадли параметрларини мувофақиятли бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамлашни учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича мамлакат Президентининг жорий йил 11 апрелдаги қарори талаблари амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Республика Ҳукуматининг мажлисига қиртилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2017 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан мавжуд заҳираларни сафарбар этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўза.

Анжуман

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА 254 ТА
ЯНГИ ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Миллий матбуот марказида “Ўзбеккозиковкатхолдинг” компанияси томонидан “Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва модернизация қилиш – устувор вазифа” мавзусига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Соҳани янада ривожлантириш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ҳозир компания тизимида 200 дан ортиқ маҳаллий ва 20 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Худудларда мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича савдо-логистика марказлари барпо этилмоқда. Ўтган йили амалга оширилган 420 миллион долларлик қийматга эга инвестиция лойиҳалар эвазига қарийб 4,5 минг янги иш ўрни яратилди.

Холдинг таркибида сарҳил ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳ-

сулотлари экспортига йўналтирилган “Ўзагротехсаноат” иқтисослаштирилган ташқи савдо компанияси фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи чора-ғи натижаларига кўра, “Ўзагротехсаноат” томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,7 минг тоннага ошди.

Шунингдек, анжуманда дунё бозориде рақобат тобора қунайиб бораётган ҳозирги шароитда соҳага замонавий технологияларни татбиқ этишга устувор вазифа сифатида қаралаётгани айтиб ўтилди.

«МЕНИНГ БИЗНЕС ФОЯМ»

Бўстонликда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган “Менин бизнес фоям – 2017” танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Танлов

Унда касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг 900 та иши таҳлил этилди. Эътиборлиси, битирувчиларнинг 70 нафари ўзларининг янги инновацион фоялари билан қатнашди.


Шу кунга қадар аъзолари томонидан энг долзарб, деб топилган мавзулардаги бизнес режалар муаллифлари махсус диплом ва эсдалик совғалари билан

тақдирланиб, уларга танловнинг вилоят босқичига йўлланма берилди.

Ўқув-семинарининг иккинчи ярмида тadbиркорликка қизиққан ёшлар Искандар қўргониде жойлашган “Wonder Cleaning” корхонасига “Бизнес автобус” лойиҳаси доирасида саёат уюштириди.

Юлдузхон
ФАЗЛИДИНОВА.

САЛОМАТЛК УЧУН САРМОЯЛАР



Бугунга келиб вилоятимизда ҳам фармацевтика соҳаси ривожланиб, замонавий технологиялар асосида тиббий талабларга жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқараётган хусусий корхоналар сафи кенгаймоқда. Зангнота туманидаги “FAZO-

LUXE” масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай жамоалардан биридир. Хитой технологияси билан ҳижозланган корхонада жорий йилнинг биринчи чорағида 2 миллиард сўмлик тиббий ёт пaxтаси, дока ва бинт тайёрланди.

– Қиймати 1,6 миллион АҚШ долларини бўлган мазкур лойиҳа-

дан қўзланган асосий мақсад, юртдошларимизга сифатли тиббий маҳсулотлари етказиб беришдан иборат, – дейди корхона раҳбари Қамолитдин Султонов. – Бу маблағлар корхонанинг ўз имкониятлари ва имтиёзли банк кредитлари асосида шакллантирилган. Корхонамизда 150 нафар киши иш билан

таъминланди, улардан 42 нафари коллеж битирувчиларидир. Жамоада ходимлар учун барча шaroитлар яратилган. Хусусан, шинам ошхона ва махсус дам олиш хонаси улар хизматида. Бундан ташқари, ишчилар саломатлиги шифокорлар томонидан мунтазам назорат қилиниб, йилда икки марта табибий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилган.

Корхона кунига 60 минг қадокда 26 турдаги, жумладан, дока, эластик бинт ва тиббий момиғи сингари гигиеник воситалар тайёрлаш қувватига эга. Бинт ўқиш хонасига ускуналарга ўрнатилган махсус компьютерлар кун давомида қанча маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани ҳақида маълумот берса, назорат бўлими ва лаборатория ходимлари маҳсулот сифатини доимий равишда текшириб борадилар.

– Яқинда иш бошлаганимга қарамай, бу соҳада малакали мутахассислардан ўрганаётган тажрибам иш жараёнида жуда

қўл келмоқда, – дейди тумандаги ижтимоий-иқтисодиёт касбхуна колледжи битирувчиси Нигора Қодирова. – Юртдошларимиз учун сифатли ва арзон маҳсулотлар етказиб беришга ўз хиссамни қўшаётганимдан бахтиёрман.

Бугунги кунда корхона маҳсулотларини МДХ ва Европа мамлакатларига, хусусан, Қозоғистон, Россия, Германия каби қатор давлатларга экспорт қилиш йўналишида иш олиб бормоқда.

Бу каби сaй-ҳаракатларнинг барчаси, аввало, юртимизда тиббий воситаларини ишлаб чиқариш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш, даволаш-профилактика муассасаларини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан барқарор таъминлашга хизмат қилиши билан эътиборлидир.

Абдулазиз МУСАЕВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири.
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар.

Бошлангич 1-бетда.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Яқинда ахборот технологиялари бўйича нуфузли анжуманда қатнашдик. Уш ерда икки мутахассиснинг ИНХА университетида ўқиётган бекободлик Рашид Тожибоев эришаётган ютуқлари ҳақидаги суҳбати эътиборимизни тортди ва шу талабани топиб, суҳбатлашиш фикри туғилди. Сабаби, бундай нуфузли таълим даргоҳида аъло баҳолаб ўқиш, қолаверса, ўзи танлаган соҳада катта ютуқларга эришишнинг ўзи бўлмайди.

– Рашид, қандай қилиб мазкур университет талабаси бўлдингиз? Бу ерга ўқишга кириш осон эмас.

– Албатта, гапингиз тўғри. Университетимизга фанлар бўйича кучли билимга эга ёшлар қабул қилинади. Ёшлигимдан математика ва физикага қизиқишим баланд бўлган. Бунга сабаб отам ҳам шу соҳада ишлаганиликлари деб ўйламан. Қолаверса, ота-онам доим ўқишга ва билим олишга қизиқтиришган. Мен ҳеч иккиланмасдан компьютер муҳандислиги йўналишини танладим.

Бекобод шаҳридаги 13-умумтаълим мактабидан ўқиб юрганамда ҳам математика ва физика ўқитувчиларимга савол беравериб, ҳоли-жонига қўймасдим. Қўшимча дарс ўтинг, деб туриб олардим. Улар қизиқишимизни қўриб, янада кўпроқ билим беришга

ҳаракат қилишарди.

Мактабни битиргач, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат политехника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейида аниқ фанлар йўналиши

нинг соҳамизга тааллуқли бўлган кўп нарсаларни ўрганаётимиз.

– Кўплаб лойиҳа ва танловларда қатнашган экансиз. Шулар ҳақида ҳам айтиб берсангиз.

МАРРАНИ БАЛАНД ОЛАЁТГАН ТАЛАБА



Рашид Тожибоев (ўртада) яна бир маррани забт этди.

бўйича тахсил олдим. Абитуриентлик пайтимда янги университет очилаётганини эшитиб, шу таълим даргоҳига ҳужжат топширишга қарор қилдим. Бу ерда қабул қилиш ти-зими ва ташкилий ишлар корейлик мутахассис ва профессорлар томонидан шакллантирилиб, ҳаққоний билим ва шаффофлик тамойилига асосланган. Математика ва физика фанлари бўйича кириш имтиҳонлари топширилади.

Ҳозирда компьютер ва дастурий инжиниринг йўналишининг 3-курсида тахсил олмақдан. Ушбу олий ўқув юртида билимларни ўзлаштириш бўйича факультетлар ўртасида кучли ўнликдан жой олса, кейинги семестр учун қўшимча имтиёзлар берилади.

Университетда талабаларнинг тахсил олиши учун ҳамма шароитлар яратилган, устозлар барчамиз учун бирдек жон куйдиради. Хорижлик профессорлардан шу кунгача ўзимиз

– Яхши биламизки, XXI асрда бутун дунёни АКТ соҳаси қамраб олмақда. Юртимизда мазкур соҳани тараққий эттириш, албатта, биз, ёшларга боғлиқ. Шу мақсадда ўз устимда ишлаб, қобилиятимни намоён этишга ҳаракат қилаяпман. 2016 йил "Кафолат" суғурта компанияси томонидан эълон қилинган "Энг яхши мобил илова" деб номланган танловда гуруҳимиз билан биринчи ўринни олдик. Бу дастур мижозларга on-line ти-

зимида суғурта хизматини кўрсатади.

Шу ўринда мазкур мобил дастур ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтсам. Мобил дастур ўзбек ва рус тилларидаги интерфейсларга эга бўлиб, у

бўлиб, у HTML, JavaScript, CSS тилларидан матн ва видео кўринишида дарсликлари тинглаб бориш имконини беради.

Шу ишланмаларим учун Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан таъсис этилган стипендияга лойиқ топилди.

– Яна қандай қизиқишларингиз бор?

– Юртимиз ва хориждаги янгиликларни мунтазам кузатиб, ўзгаришлар ва ислохотлар билан танишиб бораман. Ўзбек, рус ва инглиз тилларини яхши ўзлаштирганман. Ҳозир университетда корей тилидан ҳам тахсил олаяпман.

Бўш вақтимда АКТ соҳасига оид блоглар, мақолалар ҳам ёзаман. Веб ва андроид дастурларини яратишга қизиқаман. Ўзбек ва жаҳон адабиётига оид асарларни ўқиш жону дилим.

– Ҳаётда қандай шиор билан яшайсиз?

– Менинг шиорим Биринчи Президентимиз ўқтирганларидек, доимо маррани баланд олиб, халқимиз учун, юртимиз учун фойдали инсон бўлиб яшаш. Шундай экан, келгусида ўқишимни Кореяда давом эттириб, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг ривожланишига ҳисса қўшсам, дейман.

Хурида НАЗАРОВА
суҳбатлашди.

КУН ТАРТИБИДА – КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бўстонлик туман кенгаши ташаббуси билан "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви лойиҳаси доирасида ёшларнинг ҳокимлик, идора ва муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари билан учрашувлари мунтазам ташкил этиб борилаётган.

Ёшларнинг туман ҳокими билан бўлиб ўтган навбатдаги мулоқоти "Ёшлар ва китобхонлик маданияти" мавзусига бағишланди. Унда касб-хунар коллежлари кутубхоначилари, ўқув муассасалари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ва ахборот-ресурс марказлари ходимлари ҳамда коллеж ва мактабларда тахсил олаётган ўқувчилар иштирок этди.

Учрашувни кириш сўзи билан очган туман ҳокими Иброҳим Ҳасанов мамлакатимизда ёшларга берилаётган имкониятлар, уларнинг чуқур билим олиш билан бирга танлаган касблари бўйича етук мутахассис бўлиб қамолга етишлари учун яратилаётган шароитлар, шунингдек, уларни тадбиркорликка йўналтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот берди. Айни вақтда ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиш учун соҳага оид билим ва қўника ҳам талаб этилади. Бу борада китобнинг ўрни беқиёс. Президентимизнинг жорий йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқа-



тиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши алоҳида аҳамиятга эга.

Эркин мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофича жавоб олди. Хусусан, ёшлар томонидан билдирилган таклифлар инobatга олинган ҳолда, мана шундай учрашувларни чекка қишлоқ ва ҳудудларда ҳам ўтказиш, шунингдек, янги кутубхоналар очиш, китоб дўконлари фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан мулоҳазалар билдирилди. Бундан ташқари, туман ёшларининг пойтахтимиздаги марказий кутубхоналар ва замонавий китоб савдоси мажмуаларига саёҳатини уюштириш бўйича режалар белгилан олди.

Тадбир давомида ёшлар ташкилоти томонидан "Энг фаол китобхон" лойиҳаси доирасида қатнашган бир гуруҳ ўқувчиларга туман ҳокимининг факрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Саодатхон МУҲИДИНОВА

Ўйтепа томонларда...

ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК

Ўрта Чирчиқ туманидаги ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежидан "Таълим ва мутахассислик" номи қўрғазма ва бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-хунар ва халқ таълими, меҳнат бошқармалари ҳамда савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қорхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари, касб-хунар коллежлари битирувчилари, ёшлар ва

уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Изчиллик касб этиб келаётган мазкур лойиҳадан қўланган асосий мақсад ёшлар ва ўқув муассасалари ўртасида ўзаро таъриб алоқаси, шунингдек, ўғил-қизларимизни таълим йўналишларини танлашларида кўмаклашиш ҳамда мутахассис-

ликлар бўйича иш ўринларини тақдим этишдан иборат.

Тадбир давомида "Ёш тадбиркор" маслаҳат маркази, тижорат банклари, шунингдек, вилоятдаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари томонидан ёшлар учун яратилган қулайликлар ва тадбиркорликни юритиш бўйича бизнес лойиҳалар тузиш тажрибаси видеороликлар орқали намойиш этилди.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРФИБОТИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабидан "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Биз – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" акцияси доирасида ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги шаҳар ва туманларнинг кўнгилли тарғиботчилари иштирок этди.

Семинарда "Репродуктив саломатлик", "Тўғри овқатланиш ва шахсий гигиена", "Ёшлар чекишга қарши", "Йод танқислиги ва сил", "ОИВ/ОИТС ва гиёҳвандлик" ҳамда "Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси" йўналишлари бўйича мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Отбек ИСРОИЛОВ.

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шартли билан "ноль" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очик танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

№	Объектнинг номи	Объектнинг жойлашган манзили	Балансда сақловчи	Балансда сақловчининг фаолият ихтисоси	Объектнинг тавсифи	Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори (млн. сўм)	Объект негизда ташкил этиладиган фаолият йўналиши	Инвестиция қиритиш муддати (йил)	Янги ташкил қилинадиган энг кам ишчи ўринлар сони
1	Қурилиш тугалланмаган спорт зал биноси	Охангарон тумани, Телов ҚФЙ	Охангарон тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	Девор-ғишт, бет.плита	1500,0	–	2	40
2	Фельдшерлик участкасининг бўш турган биноси	Охангарон тумани, Озодлик ҚФЙ	Охангарон тумани ҳокимияти	маъмурий бошқарув	Девор-ғишт, том-бет.плита	400,0	–	2	20
3	Фойдаланилмаётган бино (эски дўкон биноси)	Бекобод тумани, Чанок ҚФЙ, "Қорақўйли" МФЙ	Бекобод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	маъмурий бошқарув	Девор-ғишт	1000,0	–	2	20
4	Собик "Мевазор" ФАП биноси	Бўқа тумани, Кўкорол ҚФЙ	Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси	маъмурий бошқарув	Девор-ғишт	50,0	–	1	15
5	Собик болалар богчаси бино-иншоотлари	Юқори Чирчиқ тумани, Арғанчи ҚФЙ, "Ободон" маҳалласи	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	маъмурий бошқарув	Девор-ғишт, том-бет.плита	1000,0	–	2	10
6	Фойдаланилмаётган нотуражой биноси	Ангрен шаҳри, 5/3-даҳа	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	маъмурий бошқарув	Девор-ғишт	30,0	–	1	3
7	Собик 29-мактаб бино-иншоотлари	Бекобод тумани, Маданият ҚФЙ	Бекобод тумани ҳокимлиги	маъмурий бошқарув	Девор-ғишт	250,0	–	2	25
8	Пансионат бино-иншоотлари	Оққўрғон шаҳри, Бирлик ҚФЙ	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	маъмурий бошқарув	Девор-ғишт, бет.плита	1100,0	Соғломлаштириш муассасини ташкил этиш ва фаолият турини 10 йилдан кам бўлмаган муддат сақлаш	2	30
9	Гараж, устакхона ва омборхона бино-иншоотлари	Паркент тумани, Чанги ҚФЙ	"Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси	маъмурий бошқарув	Девор-ғишт, бет.плита	250,0	–	1,5	10

* Соғломлаштириш муассасасини ташкил этиш ва фаолият турини 10 йилдан кам бўлмаган муддатда сақлаш шартли билан сотилади.

Инвестиция қиритиш мубайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 йил давомида сақланади.

Танловда голиб деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатида, бунда баҳолашга кетадиган сарф-ҳаражатлар танлов голиби томонидан қопланади.

Инвестиция қиритиш шартли билан "ноль" харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция қиритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектнинг 60 фоиздан кам бўлмаган ҳудуди (бино ва иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олд-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конкурс 2017 йил 31 май куни соат 9.00 да Тош-

кент вилояти ҳокимлиги биносининг 4-қаватидаги конференция залида очилади.

Танловда қатнашиш учун муҳрлаб қўйилган таклифлар олиш 2017 йил 26 май соат 18.00 да ҳамда танлов бўлиб ўтмаганда оммавий ахборот воситаларида олдидан эълон қилинган санасидан камидан икки иш кўни олдидан тўхташилади.

Танлов савдоси ушбу кун бўлиб ўтмаган тақдирда, тақририй савдолар ҳар ҳафтадан чоршанба кунлари соат 9.00 да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртма-нома тақдим этади:

– танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза;

– нодавлат юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсис ҳужжатларининг нусхаси ҳамда

ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

– икки нусхадаги муҳрланган конвертга солинган танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифи, унда қуйидагилар бўлиши керак:

• бизнес-режани бажариш, асбоб-ускуналар етказиб бериш (назарда тутилган бўлса) муддатлари, ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулот турлари ёхуд кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг рақобатбардошлилиги, хом

ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, қўтилаётган иқтисодий самара кўрсатилган бизнес-режа, шу жумладан, инвестиция қиритиш режаси;

• инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг тури, муддати ва уларни бажариш, шу жумладан, давлат мулк объектини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан ҳўжалик жиҳатидан фойдаланиш шартлари;

• талабгорнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодирлигини ва (ёки) тегишли тармоқда илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча varaқлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 107-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70. Факс: (0-371) 230-41-80.

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.tashvil.gov.uz.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Реклама ва эълонлар

Тошкент вилояти ҳокимлиги йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудидан шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссия"нинг 2017 йил 14 апрелдаги 14-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига ҳамда Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2017 йил 28 мартдаги қарорига асосан, "DAMAS TRANS" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудидан йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли лицензияни амал қилиш муддати 2017 йил 14 апрелдан тугатилди.

"REAL AUCTION" МЧЖдан тузатиш. "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2017 йил 1 апрель кундаги №27 (12975) сонидан чоп этилган эълондаги "20 апрель" сўзлари кейинги ўринларда "17 апрель" деб ўқилсин.

ДИЛЛАРДА ШУКРОНА, ҚҮЛЛАР ДУОДА

Хотира – ўтмишимизни, буюк аждодлар меросини мудоом эслатиб, шу орқали келажагимизни ҳам ёрқин қилувчи маънаво.

Қадрлаш – кишини улуғловчи, азиз ва муқаррам қилувчи инсоний фазилат.

Қахрамонлик, бурч ва фидойилик

Бугунги ҳар хилдан тўқис ҳаётимиз пойдеворида тамал тошини қўйиб кетганларнинг муқаддас хотирасини ҳамиша ёдга олиб туриш қай даражада муҳим бурч бўлса, ҳали-ҳамон ёнимизда туриб, эл-юрт раҳнақига салмоқли ҳисса қўшаётган табаррук ёшдаги қарияларимизни эъзозлаш, қадрлаш ҳам шу даражада фарздор.

Мазкур фикрлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 апрелдаги "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида баён этилган. Шунингдек, нафақат Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, мустақиллик йилларида хизмат вази-фасини бажарган ҳаётда ҳалок бўлган ҳарбийлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари хотирасига ҳурмат бажо келтириш, балки фронт орти меҳнат фахрийлари ҳамда юрт келажиги бўлган ёшларни миллий қадриятлари-мизга садоқат ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда фаоллик кўрсатаётган табаррук кексаларимизни ҳам ҳамиша қадрлаб, йўқлаб, руҳларини кўтариб туриш бағри кенг халқимизга ҳоз азаллий фазилат экани ҳам Қарорда алоҳида таъкидланган.

Шу кунларда вилоятнинг барча кишлоқ ва маҳаллаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва фаоллари

уруш қатнашчилари ва ногиронлари, фронт орти меҳнат фахрийлари, умуман табаррук ёшдаги кексаларни уйларига йўқлаб бориб, руҳларини кўтариб, совғасаломлар билан хушнуд қилмоқдалар. Жумладан, Зангиота туманидаги Хонобод кишлоғи маҳаллалари фуқаролари йиғинлари Хотира ва



Қадрлаш кунини байрами билан боғлиқ барча тадбирларни аниқ режа асосида ташкил этмоқда.

Анъанага мувофиқ, байрам арафасида маҳалла ҳудуди, кўча ва хонадонлар ободонлаштирилмапти. Белгиланган жойларга дарахт ва гул қўчатлари экилмоқда. Кишлоқ марказидаги Хонободтепа қабристонини хашар йўли билан тозалиб, тартибга келтирилди.

Табаррук ёшга борган кексаларимизни қанча эъзозласак ҳам оз, дейди кишлоқдаги энг йирик "Хонобод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рамзиддин Мухид-

динов. – Биз, аниқса, уруш қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийларининг кўнглини олишга ҳаракат қиламиз. Кишлоқда фақат биригина уруш қатнашчиси ва яна бир фронт орти меҳнат фахрийси қолди. Аҳолининг яхши кўнларида бош-қош бўлиб юрган кайвони кексаларимиз ҳам кўп. Улар билан хонадонларимиз, маҳалла ва кишлоғимиз ҳамиша фазийёб.

Маҳалла оқсоқоли ҳақ ўтганлар хотираси қанчалик муқаддас бўлса, тириклар қадрини шунчалик азиздир. Раис айт-

Хонобод кишлоғида ҳеч ким Зулфия аячалик уруш жабрини тортмаган. У беш навқирон ўғлини бирин-кетин фронтга кузатди. Лекин, улар билан қайта дийдорлашиш насиб этмади. Ая чидади. Аламини меҳнатдан олди. Дала ишларида, маҳалла ва кишлоқнинг борди-келдисида бош-қош бўлди. Вафотидан сўнг маҳаллага унинг номи берилди. Мана энди аянинг эваралари Хонобод кишлоғининг олди тадбиркорларидан.

Хонободнинг энг улуғ қарияси Абдуҳалил ота Саримсоқов – фронт орти меҳнат фахрийси. Кишлоқнинг кўп қатнашчилари қатори у ҳам фронтга жўнашга ариза берди. Лекин ўша пайтда у янги ишга кирган Тошкент авиасозлик заводи энди фронт учун ишлайдиган бўлиб, уруш орти меҳнат фронтга айлантирилди. Шу сабаб бўлди-ю, навқирон йигит то "Абдуҳалил ота"га айлангунча, яъни саксондан ошгунча шу заводда ишлади.

Айни кунларда меҳнат улуғлаган отани йўқлаб қирувчиларнинг қадами узилмапти. Баъзилар қариянинг ҳамон бардамлигига ҳавас қилиб, ёшини сўрашади. Ота эса ҳазилга боради:

– Ҳа, энди Аллоҳнинг бергани-да. Аммо, кейинги пайтларда анча яшардим-ов. Атрофга қараб, бўлаётган ишларни кўриб, яшагандан-яшагим келаяпти. Бундай дориламон кунларни озмунча кутдикми... Ёшим масаласига келсак, тўқсонга етганимда ўғилларим кишлоққа шукрона оши беришганди. Шунга уй уч йиллар бўлиб қолди-ёв...

Абдусамид ЙУЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Афсуски шундай.

Офарин

Қибрай туманидаги 2-Болалар музика ва санъат мактаби иқтидорли ўқувчиларининг "Музика завқи" деб номланган навбатдаги ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

МУСИҚА ЗАВҚИ

Музика кечада мактабнинг халқаро танловларида иштирок этиб, ғолиб ва совриндор бўлиб қайтган ўқувчилари М. Деҳқонова, Ш. Бахтиёров, М. Ёдгоров ва бошқа умидли муси-

қачилар томонидан ижро этилган жаҳон классик ва замонавий бастакорларининг ижод намуналарини йиғилганлар олқишлар билан қарши олишди.

Шунингдек, муассасада хореография йўналишида сабоқ олаётган иқтидорли қизақлар ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Ўз мухбиримиз.

Қатра

МЕХҲУР

Отасини машинадан авайлаб туширди. Шаҳарнинг кенг ва раво кўчасидан етаклаб, бир чеккадаги ўриндиққа утқазди. Ўзи ҳам ёнига чўкди.

– Ҳа, болам, – деди ота кўзлари қувониб, – ҳаммаёқ обод, куркам бўлибди. Бу баланд-баланд иморатларни қара. Шундай кўналарга етказганига шукр.

Ўғил отасининг йиллар ўз таъсирини кўрсатган чеҳрасига боқиб, шаҳар айлантириб хурсанд қилгандан ўзининг ҳам кўнгли эриди:

– Ота, ёдингиздами, бир пайтлар сиз ҳам менинг қўлимдан етаклаб, машина йўлидан эсон-омон утиб олсин, деб биринчи синфга олиб борардингиз. Совуққотган қўлчаларимни қайноқ кафталарингиз орасига олардингиз. Ўша пайтларни сира унутмайман...

Абдусаттор ҲОТАМОВ.

Bolalik bog'i

«ODOBLI» QIZ

A'lo singlisini o'yatib o'tirgan edi. Kimdir eshik tugmasini bosdi. Narigi pod'ezddagi Dilnoza ekan. U Mehri buvidan:

– A'lo bilan maydonchada birpas o'ynasak maylimi? – deb so'radi tortinibgina.

– Mayli, – dedi u. Dilnozaning odobidan mehri tovlanib, hatto elkasiga qoqib ham qo'ydi.

– Buvijon, o'yinchoqlarimni ham olvolaymi? – dedi qizcha quvonchini yashirolmay.

– Olaqol, faqat hayallab qolmagin.

Qizlar ketgach, Mehri buvi Barnoni bag'riga oldi. Ko'p o'tmay A'lo paydo bo'ldi. U endi katta qo'g'irchoq'i bilan savatchasini ham olib ketdi.

– Jon bolam, janjalsiz o'ynanglar-a?!

– Xo'p bo'ladi, buvijon.

Belanchak tebratib o'tirgan kampiri qush uyqusi elitdi. Bir mahal eshik gursillab qoldi. Ho'ngrab kelgan A'lo buvisini tashqariga sudradi.

Mehri buvi Barnoning ustidan eshikni qulflab xansiraganacha yuqori qavatdan pastga tushdi.

Maydonchada A'loning o'yinchoqlari sochilgan, savatchasi esa chinorning baland shoxida osig'lik edi...

Muhayyo TO'LAGANOVA.

«ОЛМАЛИҚ» ЯНА ҒОЛИБ, «МЕТАЛЛУРГ» ЭСА...



Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасининг олтинчи тур учрашувлари вилоятимиз жамоалари учун омадли келди.

Футбол

Чемпионатни муваффақиятсиз бошлаган "Олмалик" кейинги ўйинларда муҳлислар ишончини қозона бошлади. Ўтган турда ўз майдонида чемпионликка даъвогар бўлган "Насаф"ни мағлуб этган олмаликлик чарм тўп усталари бу гал пойтахтда "Обод" жамоаси меҳмони бўлди.

Ўз вақтида Осиёнинг энг яхши мураббийи бўлган Рауф Инилев бошқарувчан "Обод" ўз майдонида "Олмалик" футболчиларига жиддий қаршилик кўрсатди. Бу учрашувда беларуслик легионер Владислав Косминин томонидан иккинчи бўлим ўрталарида киритилган ягона гол "Олмалик" вакилларига кетма-кет иккинчи галабани келтирди. Олмаликликлар жами 7 очко билан мусобақа жадалининг 12-поғонасига кўтарилди.

Шу ўринда, мавсум олдида "Олмалик" янги таркибни шакллантира бошлаганини таъкидлаш лозим. Аввалги чемпионатларда мусобақа жадалининг куйи қисмига яқинлашмаган клубимиз жорий чемпионатни мағлубиятлар билан бошлаганди. Мана энди жамоа ўйинида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Жамоа деярли янгидан тузилди, – дейди "Олмалик" бош мураббийи Виктор Кумиков. – Сегин-аста ўйинимиз шаклланиб, яхши томонга ўзгармоқда. Биз учун айни пайтда ҳар бир галаба муҳим. Бу чемпионатда кучсиз жамоанинг ўзи йўқ. Ҳатто пешқадамлар ҳам мағлубият-

га учрамоқда. Вилоятимизнинг яна бир жамоаси – "Металлург" футболчилари Бекободда мавсумни кўтаринки руҳда бошлаган "Навбахор" билан куч сынашди. Ўшбу ўйин натижаси мусобақа жадалига жиддий таъсир кўрсатгани билан аҳамиятли бўлди.

Наманганликлар "Металлург"ни мағлуб этган тақдирда чемпионат пешқадамга айланар эди. Лекин Бекобод шамоли остида ўтган бу учрашувда ҳеч қайси футболчи рақиб дарвозасини ишғол қилиш насиб этмади. Ҳисоб очилмаган бу ўйинда жамоалар биттадан очкога эга бўлди. "Навбахор" биринчи ўринга кўтарилиш имкониятини қўлдан чиқарди.

Рустам Мирсодиқов шогирдлари эса айни пайтда тўрт очко билан 15-ўринда қайд этилган.

Кутилмаган натижаларга бой бўлган олтинчи турнинг қолган ўйинлари қуйидагича аяланди: "Машъал" – "Қўқон-1912" 1:1, "Шўртан" – "Пахтакор" 3:0, "Динамо" – "Бухоро" 3:1, "Локомотив" – "Насаф" 2:1, "Қизилқум" – "Сўғдиёна" 1:1, "Нефчи" – "Бунёдкор" 1:2.

"Олмалик" жамоаси 22 апрель кунини бўладиган еттинчи тур учрашувида "Қизилқум"ни қабул қилади. "Металлург" шу кунини сафарда "Қўқон-1912" жамоаси билан куч сынашади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Ҳамқишлоқлар гурунги

Ўртага нима қўйсангиз – қўйинг, сиз билан бемалол тортиша оламан – шахматда бунақа юриш борлигини билмайсиз! Бу антиқа усул ҳамқишлоқларимизнинг навбатдаги ихтироси саналади. Бу юришни Капабланка ҳам, Карпов ҳам, Каспаров ҳам қўллашмаган. Чунки билишмайди-да.

Ичингизни қиздирмай, айтиб қўя қолай. Кишлоқ чойхонасида ҳар кунини маҳаллий бекорчилар ўртасида шахмат биринчилиги ўтказилади. Икки киши ўйнайди. Қолган беш олтитаси – ҳайбара-қаллачилар. Уларга барибир, бир киши ютиб, иккинчиси ютқазса бас – тушлик текин. Аммо, хомроқ юриш қилиб қўйиб, ахволи оғирлашиб қолган киши ҳам осонликча таслим бўлмайди, охиригача курашади. Дуранинг қилишининг ҳам иложи бўлмай қолса, "мелиса келди" юришини қўллаб, мотдан кутулиб қолади.

Бунинг учун нима қилиш керак? Яна бир-икки юришдан кейин мот бўлиши аниқ бўлган шахматчи рақибига билдирмай, чап

қўлини аста орқа белига қўяди: бош бармоғи ва жинжалоғини юмиб, қолган учтасини очиб

чилиб кетади, ўйиннинг расвоysi чиқади. Ютай-ютай деб турган томон шохини, омон қолган пиёдаларни тахта юзига қайта жой-

«МЕЛИСА КЕЛДИ» ЮРИШИНИ БИЛАСИЗМИ?



қўрсатса, бу "Оғайнилар, ўйинни бузворинлар, яримта"га эрийман", дегани. Бунақа ҳолатларни кўп кўрган оғайнилари парво қилмай туришаверса, жинжалоғини ҳам юмади, бунинг маъноси: "Яримта"нинг ёнидаги газига ҳам бўлади..." Ана шунда ўйинни томоша қилиб турган ишқибозлардан бири: "Қоч, мелиса келди", дейди-да, шахмат тахтаси устига эски қулоқчинини ташлаб юборади. Доналар со-

лаштирмоқчи бўлади, аммо ютқазаётган томон "Э, нима қилаяпсиз, ака, мана шу пиёда мана бу жойда турган эди, мелиса кема-сидан олдин сиз мана бу жойдан кишт бергандай бўлдингиз, мен секингина мана бу жойга ўтиб олдим, сиз яна "кишт" дедингиз, мана бундай қилиб ёпдим", деб унинг қўлини маҳкам ушлайди. Тамом, вассалом. Қалай, зўр юриш эканми?

Аҳмад ОҒА.

Реклама ва эълонлар

TOSHKENTGAZTA'MINOT

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-378-сонли "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги 366-сонли тегишли қарори талабларининг ижроси юзасидан "ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ" унитар корхонаси директори ва унинг ўринбосари томонидан 2017 йил апрель-май ойлари давомида Тошкент вилоятнинг туман-шаҳарларида жисмоний ва юридик шахслар вакиллари билан сайёр қабуллар, учрашув ва мулоқотлар ташкил этилмоқда

№	Корхона директори ва унинг ўринбосари	Лавазими	Сайёр учрашувлар ўтказиладиган кунлар				
			18.04.2017 йил	22.04.2017 йил	25.04.2017 йил	29.04.2017 йил	02.05.2017 йил
1	Алимов Бедил Хондамович	Директор	"ЎРТАЧИРИКТУМАНГАЗ" филиали биносидан соат 10.30 да	"ЯНГИЙЎЛГАЗ" филиали биносидан соат 10.00 да	"ПИСКЕНТУМАНГАЗ" филиали биносидан соат 10.30 да	"ОҚЎРҒОНТУМАНГАЗ" филиали биносидан соат 10.30 да	"БЎКАТУМАНГАЗ" филиали биносидан соат 10.30 да
			"ҚИБРАЙТУМАНГАЗ" филиали биносидан соат 15.00 да	"ЧИНОЗТУМАНГАЗ" филиали биносидан соат 13.00 да		"ҚУЙЧИРИКТУМАНГАЗ" филиали биносидан соат 13.00 да	"БЕКБОДУТТУМАНГАЗ" филиали биносидан соат 14.00 да "БЕКБОДУШАХАРГАЗ" филиали биносидан соат 17.00 да
2	Райимов Алишер Абдумаликович	Бош муҳандис	19.04.2017 йил	21.04.2017 йил	26.04.2017 йил	28.04.2017 йил	03.05.2017 йил
			"АНГРЕНШАХАРГАЗ" филиали биносидан соат 10.30 да	"ЮҚОРИЧИРИКТУМАНГАЗ" филиали биносидан соат 10.30 да	"ҚАСҚОҒОСҚАШАХАРГАЗ" филиали биносидан соат 10.30 да	"ЗАНГИОТТУМАНГАЗ" филиали биносидан соат 10.30 да	"ЧИРИКШАХАРГАЗ" филиали биносидан соат 10.30 да "БЎСТОНЛИКТУМАНГАЗ" филиали биносидан соат 16.00 да

Мурожаат учун телефон: 150-44-12



Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзили:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaiqat@uamail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Котибият: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари: 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Ҳолмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусаввир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ